O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №


# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2001-yil, 2-fevral • N6 (3596)


## ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ

Адабиёт ва санъат ўз табиатига кўра барча замонларда ҳам жамият ҳаётини ҳаққоний акс эттиришга, ибрат бўлувчи бадиий образлар, адабий қаҳрамонлар орқали ёш авлод онгини шакллантириш, уларни маънавий етуклик ва комилликка даъват этишга масъул ҳисобланган. Мустақиллик йилларида эса бу жиҳатдан адабиёт ва санъатимизнинг янги асарлари ва янги адабий қаҳрамонларига эҳтиёж янада ошди. Президентимизнинг яқинда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи билан учрашувда сўзлаган нутқида: "Бугунги куннинг қаҳрамони қани?" деган ҳақли савол қўйилди. Юртбошимизнинг ижодкорларни ҳозирги мураккаб, шу билан бирга шарафли даврда истиқболимиз пойдеворини барпо этиш йўлида ўз Ватани ва халқига фидоийлик билан хизмат қилаётган инсонлар, ёш авлод вакилларининг таъсирчан ва ёрқин сиймоларини яратишга даъват этиши ёзувчиларни ғоят масъулиятли ижодий меҳнатга руҳлантираётир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасида бўлиб ўтганноширлар ва ёзувчиларнинг суҳбатида шу ҳақда фикр юритилди. Давлат Матбуот қўмитаси раиси Рустам Шоғуломов учрашув-ни очаётиб, бугунги куннинг долзарб вазифаларидан, Юртбошимиз даъватларидан келиб чиққан ҳолда ноширлар ва ижодкорларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш, бу борадаги ижодий жараённи янада фаоллаштириш имкониятлари ҳақида фикрлашиб олишга йиғилганларни таклиф этди.

Ўтган ўн йил мобайнида янги бир тузум, миллий давлатчилигимиз юзага келди, - деди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов. - Жаҳон кўламида тараққиётнинг ўзбек модели, деган атамалар пайдо бўлди. Халқимизнинг, Ватанимиз ёшларининг бу жараёндаги кураш йўллари ўз қаҳрамонларини майдонга чиқариши табиий ва шундай бўлди ҳам. Президентимиз нафақат яқиндаги учрашувда, балки қатор маърузаларида бугунги ҳаётимизнинг чинакам қаҳрамонлари аллақачон адабиёт ва санъатнинг бадиий тадқиқ обьектига айланиши зарурлигини уқтириб, биз ижодкорларни ана шунга даъват этиб келаётирлар. Ана шу даъватларга ҳамоҳанг бўлган бугунги ноширлар билан юзма-юз учрашувимиз, бу учрашувда ноширларнинг бугунги кун қаҳрамонлари ҳақида бадиий ва публицистик асарларни чоп этишга тайёр эканликларини эътироф этишаётгани айни муддаодир. Бундай ҳамкорлик ҳам ноширлар, ҳам ёзувчиларимиз учун кенг майдон очажаги, ижодий жараённи авж олдириши тайин. Озод Ватан одамлари, бунёдкорлар, фидойи ёшлар - замонамиз қаҳрамонлари сиймоларини яратиш ижод аҳлининг олдимизда турган улуғ айёмимиз - Ватанимиз мустақиллигининг ўн йиллигига муносиб туҳфаси бўлади.

Учрашувда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ ёзувчилари Пиримқул Қодиров, Иброҳим Раҳим, Ҳамид Ғулом, Ўзбекистон халқ шоирлари Жуманиёз Жабборов, Ойдин Ҳожиева, Усмон Азим, адиблар Владимир Тюриков, Учқун Назаров, Ўзтелерадиокомпания раисининг биринчи ўринбосари Низомиддин Маҳмудов ва бошқалар ноширлар томонидан илгари сурилган ташаббусни қўллаб-қувватлаб, бугунги кунда замонавий долзарб мавзулардаги асарларни ёзиш, чоп этиш билан бирга уларни халқимизга ўз вақтида етказиб бериш, китобхонлик маданиятини янада юксалтириш зарурати ҳақида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Учрашувда ноширлар ва ёзувчилар ўртасидаги ижодий ҳамкорликнинг барча қирраларига ойдинлик киритилди ҳамда аниқ амалий режалар белгилаб олиндики, бу ҳамкорлик яқин орада ўзининг муайян ижодий самараларини бериши шубҳасиз.



Ёшлик сурури

## БАЙРАМЛАР ЙИЛИ

*Маданият ишлари вазирлигида*

Маданият ишлари вазирлиги ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши вазирликнинг ўтган 2000 йилдаги якунларига, Наврўз, умумхалқ байрамига, "Шарқ тароналари" учинчи халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик ва республика "Офарин" кўрик-танловини ўтказиш масалаларига бағишланди. Маданият ишлари вазири Х.Жўраев йиғилишни очиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда "Оналар ва болалар" йилига бағишланган давлат дастурини бажаришда маданият муассасаларининг ўрни ҳақида сўзлади.

Вазир ўтган йили Республикамиз Президентининг Ҳамза номидаги театрда бўлиб, уни энг замонавий талаблар даражасида қайта қуриш борасида ғоят муҳим таклифлар айтгани юртбошимизнинг маданият ва санъатга нақадар катта эътибор бераётганидан далолат эканини таъкидлади. Бугунги кунда Консерватория янги биносининг қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилаётгани ҳам бу фикрнинг ёрқин далилидир. Шунингдек, Алишер Навоий номидаги боғда кечки томошалар ўтказиш учун катта концерт майдони яратилди.

Умуман, вазирликка қарашли идоралар, театр ва концерт заллари, кутубхоналар ва музейлар, деярли барча маданий муассасалар ўз зиммаларидаги вазифаларни имкон қадар уддаладилар. Айни вақтда соҳаларда юз бераётган муайян камчиликлардан ҳам кўз юммаслик, эътиборни ана шу камчиликларнинг сабабларини таҳлил этишга қаратиш зарур.

Очиғини айтганда, вилоятларимизда маданият соҳасидаги ўзгаришлар секинлик билан бормоқда, деди ўз сўзида вазир ўринбосари Б.Абдураҳимов. Вилоятлардаги баъзи туманларнинг маданият бўлимлари раҳбарлари ҳатто ўз вилоятларида ўтказилган республика миқёсидаги йирик тадбирлардан бехабарлар. Шу кунга қадар Навоий, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятларида "Ўзбекрақс" бирлашмасининг вилоят бўлимлари ташкил этилмаган. "Ўзбекрақс"нинг бирорта вилоят бўлими эса вазирликка хисобот топширмаган. "Ўзбекнаво"нинг вилоят бўлимларида ҳам аҳвол шундай. Бу ташкилот кўзда тутилганидек, ўз-ўзини моддий жиҳатдан таъминлаш усулига тўлиқ ўтолмади. Сабаби, ҳамон айрим муассасалар боқимандалик кайфиятидан қутулолмаяптилар.

Ана шуни назарда тутган ҳолда "Ўзбекнаво" бирлашмасининг моддий-молиявий имкониятларини кучайтириш мақсадида кенг кўламли гастрол-концерт фаолиятини амалга оширувчи дастурлар ишлаб чиқиш зарур. Ғоявий-бадиий саёз, ижро жиҳатидан бўш қўшиқларнинг саҳнага чиқиб кетмаслиги учун Бадиий кенгаш ўз имкониятларини тўла сафарбар қилиши, академик ва халқ бадиий жамоаларининг дастурини такомиллаштириш, янги ва ҳар томонлама мукаммал асарларнинг кўпайишини таъминлаш навбатдаги долзарб вазифалардандир.

Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги нишонланадиган ушбу йилда Наврўз умумхалқ байрамини юқори савияда ташкил қилиш ва ўтказиш шу кундаги асосий ишлардандир. Бунинг учун республика ташкилий-ижодий гуруҳи тузилиб, ўз фаолиятини бошлаб юборди. Ўн иккинчи марта нишонланаётган бу байрамда ҳар бир вилоят энг сара дастурлари билан иштирок этиши керак.

2001 йилни ҳеч иккиланмай байрамлар йили бўлади, дейиш мумкин. Феврал ойида бошланадиган театр санъати кунлари кейинги тадбирларга уланиб кетади. Анъанавий кўрик-танловлар, "Янги тароналар" миллий эстрада куй-қўшиқлари танлови, Китоб байрами, Ўзбекистон қўшиқ байрами, буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллиги, Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги, "Авесто"нинг 2700 йиллиги, августда ўтадиган "Шарқ тароналари" фестивали... буларнинг бари республика маданият ходимларидан катта сафарбарликни, жонбозликни талаб этади.

Маълумки, ўтган йили "Офарин" республика танлови катта тантаналар билан ўтган ва кўпчиликнинг ёдида қолган эди. Бу йил ҳам "Офарин—2001" танловини юқори савияда ўтказиш учун катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Бу ҳақда вазир ўринбосари, "Ўзбектеатр" бирлашмаси бош директори М.Абдуқундузов ахбороти тингланди.

## САНЪАТШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Ўзбекистон Бадиий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида "Ўзбекистон санъатшунослигининг долзарб муаммолари" мавзуида илмий анжуман бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Файзулла Кароматов илмий фаолиятининг 50 йиллигига бағишланди.

Бутун ҳаётини санъатга бағишлаган Ф.Кароматов шу кунларда ўзининг етмиш беш ёшини ёр-биродарлари, ҳамкасб ва шогирдлари даврасида нишонламоқда. Истеъдодли мусиқашунос, устоз-мураббий "Ўзбек халқ қўшиқлари" мавзуида номзодлик, "Ўзбек чолғу мусиқаси (мерос)" мавзуида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди, қарийб йигирма йил Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида турли лавозимларда фаолият кўрсатди. Йигирма беш йил давомида Тошкент давлат консерваторияси профессори ва кафедра мудири бўлиб ишлади. Илмий фаолияти давомида ўттизга яқин докторлик ва номзодлик диссертацияларига илмий раҳбарлик қилди. У икки юзга яқин монография, тўплам, рисола ва мақолалар муаллифидир.

Шуниси эътиборлики, Ф.Кароматовнинг "Ўзбек халқ қўшиқлари", "Ўзбек халқ мусиқа мероси", "Ўзбек дўмбира мусиқаси" каби дарслик ва қўлланмалари Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, мусиқа ва санъат мактабларида миллий ижрочилик бўлимларини ташкил этишга асос бўлди. Олим қарийб эллик йилдан бери Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти фолклор экспедицияларига раҳбарлик қилиб келмоқда.

Анжуманда сўзга чиққанлар устозни табаррук ёш билан қутлаб, унинг ўзбек миллий мусиқаси ва қардош халқлар мусиқа санъати ривожига қўшган хизматлари тўғрисида гапирдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Мелибоев, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Майкл Барри Лейн сўзга чиқди.

**(ЎзА)**

## ИСТИҚЛОЛ ЖИЛОЛАРИ

*Кўргазмалар залида*

Бадиий академиянинг Кўргазмалар залида академия аъзоларининг 200 га яқин рангтасвир, графика ва амалий-безак санъати асарлари намойиш этилмоқда. "Истиқлол жилолари" деб номланган бу ҳисобот-кўргазмадан Абдулҳақ Абдуллаев, Малик Набиев, Раҳим Аҳмедов, Рўзи Чориев, Николай Шин, уста Ортиқ Файзуллаев каби фахрий академик-рассомларнинг бир қанча ажойиб асарлари ўрин олган.



70-80-йиллар ўзбек санъатига миллий анъаналар асосидаги ёрқин асарлари билан кириб келган Ж.Умарбеков, А.Мирзаев, Б.Жалолов, С.Абдуллаев каби рангтасвирчи академикларнинг асарлари, самарқандлик уста Ҳ.Ҳақбердиев, риштонлик Ш.Юсупов ва тошкентлик А.Раҳимовнинг кулолчилик ишлари намойиш этилмоқда. Академик Н.Холматовнинг заргарлик буюмлари ва Шаҳноза Мўминованинг чиннидан ишланган бетакрор нафис асарлари экспози-циясига кўрк бағишлаб турибди.

Санъатшунослик фанлари доктори, академик Акбар Ҳакимов кўргазма ҳақида шундай деди:

- Бу кўргазмада тасвирий санъатнинг бугунги аҳволи, бадиий ижоддаги умумий йўналишлар акс этган. Таниқли ҳайкалтарош И.Жабборов ва амалий санъат йўналишидаги ижодкорлар асарлари эътиборни тортади. Назаримда, мазкур кўргазма Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатининг ютуқларини намойиш этди.

**Феруза МИРЗАЕВА**

*Шеърий лаҳза*

### ВАТАН

**Тириклик уйидан олган нафасим,**
**Улуснинг бетакрор тонгига ҳамдам.**
**Менга азиз эрур, менга Ватандир,**
**Миноранинг маъюс хаёллари ҳам.**

**Ватан! Сенга лойиқ бир фарзанд бўлсам -**
**Ўзинг инъом этган бахтга етарман.**
**Бир куни дунёдан кетар бўлсам ҳам**
**Бир ҳовуч тупроғинг бўлиб кетарман.**

**Бағрингда туғилдим, ҳаётим масъуд,**
**- Қалбим чечак эрур, юртим чамандир.**
**Томиримда яшаган энг буюк маъбуд -**
**Бири Онам бўлса, бири Ватандир!**

**Шоира ҲАСАН қизи**

**Аҳмад АЪЗАМ**

## АНГЛАШ ИМКОНИЯТИ

*АСРГА ТАТИГУЛИК*
**10 ЙИЛ**

Бир куни телевизорда бир укамизнинг миллат ундоқ, миллат бундоқ деган гапларини эшитган катта бир режиссёр акамиз тутоқиб келди: "Ким ўзи бу? Миллатнинг қайғуси бошига тушган давлат арбобими ё дунёга танилган бир файласуфми? Миллат ҳақида гапиришга қандай ҳадди сиғади? Ахир, бу жуда улкан, жаҳоний бир тушунча-ку!", деди. Унинг гапи эътироз уйғотмайдиган даражада тўғри эди, лекин мен ўйланиб қолдим: "Ахир, ҳар биримиз ҳам, одам сифатида катта ё кичик бўлмайлик, шу миллатга мансубмиз, унинг бир парчасимиз, қандай қилиб бу ҳақда ўйламаймиз, гапирмаймиз?", дедим. У эса: "Миллат ҳақида фақат улкан шахсларгина гапиришга ҳақли, бунақалар дунёда саноқли", деди. Замирида ҳар биримизнинг онгимизни тушовлаб қўйган ўша якка фикрли замоннинг нуқси бўлган шу гап мени ҳалигача ўйлантиради. Ўтган ўн йилликнинг бизга берган энг баланд мартабаси шуки, биз миллат ҳақида нафақат ўйлаш, балки бу ҳақда овоз чиқариб фикрлаш эркига эга бўлдик; миллатга мансубиятини ўйлаган одам – бу шахс дегани, миллат эса шунчаки яшаб, ўз тирикчилиги ғамида юрган, ўзининг манфаатлари учунгина кун кечираётганлардан эмас, балки шахслардан таркиб топади, тўғрироғи, шахсиятини англаш миллатнинг меҳварини ташкил этади. **Ҳар бир одамнинг ўз олдига мен бу дунёга нима учун келдим, кимман ўзи, тирикчилигимдан ташқари тириклигим нимадан, шу миллат ҳаётида ўрним қандай, қаерда яшаяпману шу ота юртдан олаётганим эвазига унга нималарни қайтараяпман, деган саволни қўйишидан ўзини, ўзлигини, миллатга мансублигини англаш бошланади. Ҳар биримизга ана шундай англаш имкониятини яратган ўн йиллик, менингча, шу маънода катта маънавий янгиланишнинг келажагини бошлаб берди.**



Ўн йил – асрнинг ўн варағи, қисқа, лекин инсон умри ўлчамларича жуда узун. Мустақилликда туғилган бола ўн ёшга кириб, оқу қорани фаҳмлади. Катталарнинг сардафтарида эса бу ҳар дақиқаси, ҳар соати фаҳмлаш имконияти бўлган тўрт мингга яқин куну тунлар. Президент таъбири билан айтганда, "ким эдигу ким бўлдик, бу сир-синоатли дунёда бизнинг ўрнимиз қаерда?", деган саволларга жавоб изланган узун кунлар. Шу маънода ўтган ўн йил инсоннинг инсонлигини фикр нури билан ойдин қилган, миллатнинг миллатлигини тафаккур билан ёриштирган ёруғ бир давр дейман ўзимча, ўз миллатимни ўйлашга баҳоли қудрат чоғланган одамлар қатори.

Яқинда бир кўрсатувни тасмага ёзаётиб, 84 ёшга кирган қариядан ўтган умри ҳақида хотираларини сўраганимда, у киши: "Э-э, ука, у ёқдаги хотирани нима қиласиз? Мен энди яшаяпман, эндигина тўққиз ёшга кирдим-ку ўзи!" деди. Бўлмаса, бу одам қатағонга учрамаган, бир умр ўқитувчи бўлган, 40 йил маҳаллага раислик қилган, ўнта фарзанд ўстирган. "Мана, шунча фарзандни уйлик-жойлик қилиб тинчидим, деган маънода эмас, ука, тушунинг, эсимни танибманки, эзилиб, яна шу эзилганимни билмай яшаб юраверган эканман, энди билганимда, ҳе, аттанг, олдин шу кунларни кўрганимдами, деб юрагим куяди", дея изоҳ берди яна отахон.

x x x

Одам ҳамиша ёруғликка талпиниб яшайди. У кун алмашиши, офтоб чиқишига ишонади, янги кунда нимадир бир яхшиликлар бўлади, деб кутади. Янги йил. Янги аср. Яна бу янги мингйиллик! Курраи замин вазминлик билан айланиб тураверади, қоронғи-ёруғ... Астрономия бўйича кундан куннинг унча фарқи йўқ, алмашиб тураверади. Фақат бизнинг умидимиз – офтобга талпинишимиз уларни янгилайди.

Кейинги тўққиз-ўн йиллик давр биз учун қандай кечди, бу муддатда нималарга эришдик – бизга офтоб чиққани шу бўлади. Турманинг ҳам деразаси, зиндоннинг ҳам туйнуги бор, биз 90-йилларгача темир панжарадан тушиб турган бир тизим нурга қараб, шу бир парча ёруғликни кутиб, балки унинг борлигини билмай яшагандекмиз...

Ҳа, мустақил бўлдик, ҳурликка чиқдик, Ватанимиз жаҳоннинг обрў мартабасида тенглар қаторидан жой олди, ўз минбарини эгаллади. Агар шу ўн йилликда эришганларимизни санайверсак, саноқнинг ўзи бир китоб. Сарҳисоб қилиб қарасак, мустақиллик фақат осмонга дўппини отиб, шодон қийқиришнинг ўзи эмас экан, мамлакатнинг жаҳон саҳнасидан муносиб ўрин олиши олдин бу ўринни эгаллаганларнинг сурилиб, мана, келинг, марҳамат, тўрга чиқинг, деб жой бериши эмас экан, ҳурлик, эркинлик, демократия дегани масъулияту меҳнат экан. Ҳаммасининг замирида теран изланишу чўнг меҳнат ётар, истиқлолу озодлик, юксалишу равнақ аслда ана шу заҳматларнинг натижаси экан. Бугун дўлананинг ҳар бир донасини татиётганимизда шу тоққа чиқиб келгунимизча товонимизга ботган ҳар бир чағир тош ёдга келар, янада баландроққа кўтарилишнинг юкини елкамиз сезиб турар экан.

Ким эдигу ким бўлдик, эртага ким бўламиз, деган саволга ҳар ким ўзига некбин жавоб топган ўнйиллик бўлди шугина қисқа давр. Биз, Худога шукр, зимистоннинг хира шапкўридан асрлар бўйи талпинган офтобимизга чиқдик. Ўзбекка ўзининг қуёшини ярашиғли қилган ёруғ манглай терлари бўлди ўтган ўнйиллик дейман, ўзимча. Энди янги асрдаги талпинишларимизга шу ўнйиллик парвоз таянчи бўлажак, дейман яна.

x x x

Албатта, шу ўнйилликни катта ўлчамларда умуман сарҳисоб қилганда, фақат яхши гапларни айтгинг келади. Ўзи чиндан ҳам шундай: ўтмиши унутилган, тарихи кесилган жойда бир янги давлатнинг яна қад ростлаши, миллатлик тушунчаси ўзидан йироқлаштирилган бир миллатнинг ўзини қайта таниши, унинг ҳар бир вакил-фуқаросининг ҳақ-ҳуқуқи кафолатлангани ва ҳоказо-ҳоказо амнияту мумкинчиликларни ўзингча ўйласанг, фикринг фақат яхшиликларга уйғунлашади. Ҳар қалай, ўн йил бир ой ёки бир йилнинг масалаю муаммолари, қувончи ташвишлари эмас, бунда арқонни узун ташлайсиз, катта ўлчамларни оласиз, бу даврдаги меҳнат самараларини катта тарих меъёрлари билан чамалашга уринасиз. Шу маънода ўнйиллигимиз оламшумул, унинг ёруғлиги нафақат кундузларимизни, балки олис қадим кечаларимизни ҳам қайта ёриштирди, миллатлик тарихимизни ўзимизга кўрсатди ва ... ҳар биримизни энди келажакдаги ўрнимизни фикрлашга чорлади.

Ана шундай катта яхшиликлар кўламида энди бизнинг кунда-кунора ўйлашимиз шарт бўлган гаплар ҳам анчагина. Биз мустақил бўлдик, тарихимизни танияпмиз, дунё билан тиллашаяпмиз, борди-келди қиляпмиз, ўзгаряпмиз, ташқи дунёда ҳам ўзгаришлар қилишга чоғланяпмиз. Бу ҳам табиий, дунёнинг сиёсий харитаси ўзгаришида бизнинг ҳам таъсиримиз бор. Гап фақат Ўрта Осиё ва Қозоғистон, Осиё геосиёсатидаги ўрнимизда эмас. Ўзбекистонимиздек бир давлатнинг таъсир кучи фақат минтақамиз билангина чекланмаслиги турган гап. Бу янги аср ҳали мамлакатимизга, миллатимиз ривожига кўп янги имкониятлар очажак.

Фақат бир гап – ҳар биримиз ўз танимизга шуни ўйласак, истиқболимизнинг шу масъулиятини елкаларимизга тенг тақсимлаб олсак, дунёнинг ҳам бизга ўтказаётган таъсирларидан оқу қорасини ажратсак, янги дунёси шу экан, деб эргашиб, таассуб қилавермай, дунёда фикридан дўпписигача, сийратидан ишигача, хушсуратидан муомала-одобигача ярқ этиб ажралиб турган ўзлик-ўзбек бўлиб, ўша баланд тенглар қаторида ярқираб турсак, ўнйиллигимиз йигирма биринчи аср эзгуликларининг салобатли бошланғичи, тарихнинг янги мингйилликдаги толеи ёруғ авлодларимиз фахр билан ўқийдиган саҳифалари бўлиб қолажак.

x x x

Мамлакат, Миллат, Ватан янглиғ тушунча-фикр уммонларидан ҳовучингга обиҳаёт олсанг, ичишга юрак дов бермайди, шу мартабага лойиқманми, деб ўйланиб қоласан одам. Лекин ботиниш керак, бизнинг ҳар биримиз ҳам энди кичик одам эмасмиз, ўтган ўнйиллик бизни аллақачон катта одамга – эркин яшаши учун эркин фикрлайдиган одамларга айлантирди ва... катта миллатга мансублик масъулиятини ҳам елкамизга юкладики, буни ҳар бир миллатдошимиз – ҳаммамиз доимо ўйлаб юришимиз керак. Айниқса, бу йилда – бўлажак қутлуғ тўйимиз арафасида.

